

# Лойиҳа

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI  
SHO‘RCHI TUMANI  
HOKIMINING  
**Q A R O R I**



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТОН  
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ  
**РЕШЕНИЕ**  
**ХОКИМА**  
**ШУРЧИНСКОГО РАЙОНА**

191500, Sho`rchi tumani, Mustaqillik ko`chasi 72-uy, tel.: 0(376)45-74-100, fax: 0(376)45-75-100

20\_\_ yil “\_\_” \_\_\_\_\_ - sonli

**Туман маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминладиган бюджет муассасаларининг тасдиқланган харажатлар режасига ўзгартириш кiritиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 145-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сон Қонунининг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан ҳамда туман молия бўлимининг 2020 йил 2 апрелдаги 01-22-226/20-01-35/156-сон хатини инобатга олиб,

## **Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан туман маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминладиган бюджет муассасаларининг 2020 йил 1 февралдан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш хақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган oilаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилганлиги муносабати билан жорий йилнинг 1 апрелидан харажатлар режасига 1-иловага мувофиқ тегишли ўзгартиришлар кiritишга рухсат этилсин.

2. Туман Молия бўлими (А.Қувондиқов) га 2020 йил бюджет ижросини сифатли амалга ошириш ва кредиторлик қарздорликка йўл қўймаслик мақсадида туман маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет муассасаларининг 2020 йил харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар кiritиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Норқулов зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими**

**Б.Худойберганов**